

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ

Турсунов Шерзод Абдуқодирович

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Минтақавий иқтисодиёт ва менежмент кафедраси доценти, и.ф.д.

Аннотация: Ушбу мақолада инновацион иқтисодиётни рақамли технологиялар асосида ривожлантириш масалалари Ўзбекистон тажрибаси мисолида ёритилган. Мақолада “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг ижобий натижалари, рақамли иқтисодиётни мамлакатимизнинг барча соҳаларида кенг қўллаш иқтисодиётнинг жадал суръатларда ўсишини таъминлаши асослаб берилган.

Калит сўзлар: Инновацион иқтисодиёт, рақамли технологиялар, стратегия, интернет тармоғи, телекоммуникация инфратузилмаси, модернизация, худудларни ривожлантириш, мобил алоқа, ИТ хизматлар, электрон тижорат.

Ўзбекистон яқин келажакда аҳоли турмуш даражасини тубдан яхшилаб, дунёнинг ривожланган 50 мамлакати қаторига киришни мақсад қилган. Бу борадаги ислоҳотлар жаҳон ҳамжамияти томонидан хам ижобий баҳоланмоқда. Дунёдаги нуфузли нашрлардан бири “Экономист” журнали томонидан Ўзбекистонни 2019 йилда ислоҳотларни энг жадал амалга оширган давлат сифатида “Йил мамлакати” деб эътироф этилди. Мамлакатимиз “Халқаро ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси” рейтингида ижобий ўзгаришлар кузатилган бўлса-да, умумий рейтингда хали хам жуда ортда қоляпмиз. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳар бир ярим йилда информацион оқим икки баробарга ошиб бормоқда. Жадал суръатларда ривожланиш шароитида рақамлаштириш зарурияти янада ошади. Бу ўз навбатида, жуда кўп ресурсларни талаб қиласди. Шу боис хозирдан рақамли иқтисодиётга ўтиш муҳим вазифага айланди.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш мақсадида қабул қилинган “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида худудларни рақамли трансформация қилиш бўйича 258,5 млрд. сўм бўлган 2020 йил (261 та) ва 2021 йил I чорагида (326 та) рақамли инфратузилмани кенгайтириш (172 та), рақамли технологияларни давлат бошқарувида (54 та), ижтимоий (190 та), коммунал (45 та), кишлоқ хўжалиги (51 та), саноат (17 та) соҳаларига кенг жорий қилиш ҳамда раҳбар ва ходимларни ўқитиши (58 та) ўз ичига олган жами 587 та лойиҳа ва чора-тадбирлар белгиланди.

Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш натижасида ушбу худудларда юқори тезликдаги Интернет тармоғидан фойдаланиш, мобил алоқа тармоғининг қамрови ошади, ИТ хизматлар улуши кенгаяди, электрон тижорат соҳаси ривожланади, таълим, соғлиқни сақлаш, кишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда коммунал соҳалар томонидан тақдим этилаётган хизматлар такомиллашади ҳамда аҳолига қўшимча қулайликлар яратилади.

2020 йилда 112 та лойиҳа бўйича ишлар амалга оширилган. Хусусан, худудларда телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш доирасида 2020 йил якунига қадар соғлиқни сақлаш ва мактабгача таълим муассасаларининг барчаси ва мактабларнинг 80 фоизи юқори тезликдаги интернет билан таъминланган.

2022 йил якунига қадар телекоммуникация транспорт тармоғи ўтказувчанлик қобилиятини вилоят марказлари даражасида

1,5 баробар (600 Гбит/с.), туман марказлари даражасида 1,5 баробар (60 Гбит/с.)га, кенг полосали тармоқ сиғими 3 млн.га, аҳоли пунктларини тезкор мобил алоқа интернет билан қамраб олиш даражаси 100 фоизга ва кенг полосали симли Интернет тармоғи билан таъминланганлик даражасини 74 фоизга етказиши, халқаро Интернет каналлари тезлигини 3 баробарга ошириш ҳамда умумий сиғими 100 Петабайтлик 2 та маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказларини ишга тушириш режалаштирилган.

Жорий йил якунига қадар оптик толали алоқа линияларининг умумий узунлигини 50 минг км. га етказилиши ҳамда қўшимча 825 та мобил алоқа база станцияларини ишга тушириш ва модернизация қилиш ҳамда уларнинг сонини 29,8 мингтага етказиш ва аҳоли яшаш масканларининг 98 фоизини мобил алоқа тармоқлари билан қамраб олинишини таъминлаш режалаштирилган. Шунингдек, аҳоли масканларини тезкор мобил Интернет билан қамров даражаси 90 фоизгача етказилади.

Тошкент вилоятидаги мавжуд Дата марказ сифими 2 баробарга кенгайтирилади, Тошкент, Бухоро ва Кўқон шахарларида эса умумий сифими 100 Петабайтдан ортиқ бўлган 3 та янги замонавий Дата марказлар ташкил этилади, бу эса яқин 5 йиллик эҳтиёжни қоплади.

Булардан ташқари Ucell, MobiUz, Beeline каби мобил алоқа операторлари тармоқларини ривожлантириш мақсадида 365,1 млн. долл.га тенг лойиҳалар амалга оширилади.

Илғор хорижий тажрибадан кенг фойдаланиш мақсадида ҳар бир тармоқ ва ҳудудларни ахборот технологиялари соҳасидаги етакчи хорижий мамлакатлар – “Рақамли шериклар”га бириктирилди. Бунда, ҳокимликлар ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргалиқда:

бириктирилган ҳудудлар ва тармоқларга илғор технологиялар ва IT-ечимларни трансфер қилиш бўйича илғор тажриба ўрганилади;

рақамли иқтисодиёт соҳасидаги лойиҳаларни биргалиқда амалга ошириш учун етакчи компаниялар рўйхати шакллантирилади;

тегишли тармоқ ва ҳудудларга лойиҳаларни амалга ошириш бўйича хорижий инвестициялар ва грантлар жалб этилиши ташкил этилади.

Ушбу йўналишда Америка Кўшма Штатларининг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда ИТ Парк ваколатхонаси очилди ҳамда Ахборот технологиялари йўналишидаги маҳсулотларга салоҳиятли буюртмачиларни аниқлаш ҳамда ҳамкорларни жалб этиш ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, Япониянинг рақамли ифратузилмани ривожлантириш тажрибасига асосан қиймати 94 млн. долл.га тенг телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришга қаратилган 2 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Фармон билан белгилаб берилган топшириқларни жойларда тизимли бажарилишини таъминлаш мақсадида Вазирлик ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан биргалиқда 29 та намунавий туман (шаҳар)ларда рақамли трансформация қилиш “йўл ҳарита”ларини амалга ошириш бўйича ҳудудий ишчи гурухлар шакллантирилди.

Ҳар бир тармоқ ва ҳудудлар бўйича ишлаб чиқилган рақамли трансформация дастурларида 195 мингдан ортиқ ёшларни рақамли технологияларга ўқитиш, “Бир миллион дастурчи” лойиҳасини кенг жорий қилиш бўйича алоҳида чора-тадбирлар белгиланди. “Бир миллион дастурчилар” лойиҳаси доирасида курсларни муваффақиятли якунлаган мактабларнинг 100 нафар энг яхши информатика ва ахборот технологиялари ўқитувчилари АКТРЖ ва ИТ парк маблағлари ҳисобидан мукофотлаш тизими йўлга қўйилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратилган мамлакатимиз ҳудудларини инновацион ривожлантириш муаммоларини бартараф этишда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси ўзининг ижобий натижаларини беради. Хулоса сифатида оладиган бўлсак, рақамли иқтисодиётни мамлакатимизнинг барча соҳаларида кенг қўллаш иқтисодиётнинг жадал суръатларда ўсишини таъминлаб, пировард натижада аҳолининг турмуш тарзини тубдан яхшилашга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кадыров А.М. и др. «Формирование информационного общества в Узбекистане: зарубежный опыт, тенденции и перспективы», Ташкент, «Iqtisodiyot»-2015 г.
2. Турсунов Ш.А. Телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини самарали бошқаришнинг ташкилий-иктисодий механизмларини такомиллаштириш// Монография – Тошкент, «ТАMADDUN» нашриёти, 2016. – 227 б.
3. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги статистик маълумотлари.

4. «Ўзбектелеком» АКнинг статистик маълумотлари.
5. <http://www.ict.gov.uz> – Координационный совет по развитию компьютеризации и информационно-коммуникационных технологий.
6. <http://www.uzinfocom.uz> – Центр развития и внедрения компьютерных и информационных технологий.